Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 9488 тани ташкил қилиб, шундан 9199 таси ёки 97,0 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 1949 та (20,5 фоизи), саноат 1487 (15,7 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 994 та (10,5 фоизи) ва қурилиш 869 та (9,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	**9488**	**100,0**	**9199**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	994	10,5	969	10,5
саноат	1487	15,7	1432	15,6
қурилиш	869	9,2	845	9,2
савдо	1949	20,5	1890	20,5
ташиш ва сақлаш	356	3,8	347	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	677	7,1	656	7,1
ахборот ва алоқа	106	1,1	103	1,1
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	194	2,0	192	2,1
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2856	30,1	2765	30,1

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 80,6 фоизи тижорат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 45,3 фоизи хусусий корхоналар, 5,9 фоизи оилавий корхоналар, 44,7 фоизи масъулияти чекланган жамиятлар, 0,8 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акционерлик жамиятлари, 3,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган корхоналарни 1841 таси нотижорат мулки шаклидаги корхоналар бўлиб, шундан жамоат бирлашмалари 45,3 фоизни, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари 5,9 фоизни ва муасссалар 44,7 фоизни ташкил этди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакл (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)лари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-июнда жами 783 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 765 та). Уларнинг асосий қисми Хатирчи (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (10,7 фоизи), Навбаҳор (13,5 фоиз), Қизилтепа (11,0 фоиз), Навоий шаҳар (28,9 фоиз) Кармана (18,6 фоиз) ва Нурота (7,7 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 24,6 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 19,9 фоизи саноат ва 17,8 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади. Шунингдек, ҳисобот даврида 384 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.